

2. Бегжанов Т. Сөзлердин семантикалық топары (Қарақалпақ тили Мойнақ говороньң материаллары тийкарында). Қарақалпақ тили бойынша изертлеўлер илимий материаллар жыйнағы. –Н.: «Қарақалпақстан» 1971.
3. Бекниязов Қ. Қарақалпақ тилинде мийўе хэм палыз атамалары канд.дисс авторефераты -Н.: 2006.
4. Ибрагимова З. Қарақалпақистон ўзбек шевалари кишлок хўжалиги лексикасининг лингвогеографик тадқиқи. канд.дисс.автореферати. -Т.: 2009
5. Каримхожаев Ш. Қарақалпақ тилиндеги дийканшылық терминлерин ўйрениў мәселелери. канд.дисс авторефераты - Т.: 1970, 25-6.
6. Мирзиёев Ш. Миллий тараққийет йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз 1.Т. 2017-йил.
7. Пахратдинов Қ. Қарақалпақ тилинде шарўашылық лексикасы канд.дисс авторефераты. -Н.: 1992, 19-6.
8. Пирниязов Қ., Пирниязова А. Қарақалпақ тилиниң лексикасы. -Н.: 2004.

РЕЗЮМЕ

Бу мақолада қарақалпақ тили шимолий диалекти қасбий лексикасининг ўрганилиши сўз этилади. Қарақалпақ тилидаги дехқончилик, чорвачилик ва балиқчилик соҳасига доир сўзларнинг қарақалпақ тили шимолий шеvasида қўлланилиши хусусиятлари мисоллар ёрдамида берилган. Бу каби тадқиқотлар олиб бориш, албатта, халқнинг сўзлашув тили асосида амалга оширилганлиги боис, уларга беъэтибор бўлмаслигимиз зарур.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идёт о профессиональной лексике северного диалекта каракалпакского языка. Особенности использования в северном диалекте каракалпакского языка слов, связанных с земледелием, животноводством и рыболовством анализируются на основе конкретных примеров. Подобные исследования, выполняются посредством изучения живого разговорного языка местного населения. Поэтому, мы не должны быть равнодушными к разговорному языку народа.

SUMMARY

In the article there have been analyzed the professional words of the north dialects of the Karakalpak language. The peculiarities of using Karakalpak words in northern dialect, related to agriculture, cattle breeding and fishing industry are analyzed on the basis of concrete examples. Such studies, of course, are carried out by studying the native spoken language of the local population. Therefore, we realize that we should not be indifferent to the spoken language of the people.

20-ЙИЛЛАРДАГИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ОИД ДАСТЛАБКИ ТИЛШУНОСЛИК АСАРЛАРИДА ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Қ.А.Қадилов – филология фанлари номзоди, доцент

Ажинийёз номидagi Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: тасниф, аффикслар, феъл, турлов белгилари, сон, сифат, стилистика, ясовчи воситалар, терминлар, олмош белгилари.

Ключевые слова: классификация, аффиксы, глагол, виды разновидностей, цифра, качество, стилистика, средство суффиксов, термины, виды местоимений.

Key words: classification, affixes, verb, types of varieties, figure, quality, stylistics, means of suffixes, terms, types of pronouns.

Ўзбек тилшунослиги XX асрда юксак тараққийет босқичига кўтарилди. Бу даврда ўзбек тилининг специфик хусусиятларини ақс эттирган дарслик ва қўлланмалар, шунингдек, бир қатор монография, рисола ва мақолалар нашр қилинди. Шунини алоҳида қайд қилиш керакки, ўзбек тилшунослиги тараққийетнинг мураккаб босқичларини босиб ўтди, яъни у лисоний мундарижанинг элементар фактларини ақс эттиришдан тортиб, йирик илмий қарашларни умумлаштирган фан даражасига кўтарилди. Бу эса ўз навбатида шу фаннинг эволюцион қатламларини ўрганишни кун тартибига қўяди.

Ўтган асрнинг 20-йилларида ўзбек тили, унинг ички қонун қоидаларини ақс эттирувчи асарлар сифатида «Чиготой гурунги» томонидан 1919 йилда нашр қилинган «Битим йўллари», Фитратнинг 1925 йилдан 1930 йилларгача бир неча бор нашр қилинган «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба» циклида чиққан «Сарф» (Морфология) ва «Наҳв» (Синтаксис) асарлари, М.Кори, Қ.Рамзон, Ш.Зуннунлар томонидан бошланғич мактаблар учун 1925 йилда ёзилган «Ўзбекча тил қоидалари» каби асарларини кўрсатишимизга бўлади.

«Ўзбекча тил сабоқлиги»да аффикслар масаласи IV бўлимда «Белгилар» фаслида изоҳланган бўлиб, улар алоҳида сўз туркуми сифатида тушунилан, лекин уларга хос бўлган умумий таъриф берилмаган. Шорасул Зуннун «Ўзбекча тил қоидалари»да шундай таъриф берадики, бундай белгиларни сўз деб тушунишдан йироқ эканлиги ҳам сезилади: «Ўзлари ёлғиз айтилганда, ҳеч маъно билдирмайдиган ишоратлар «белги» аталади» (25-бет). Демак, белгиларнинг сўз эмаслигини у ҳис қила олган. «Белгилар» вазибалари-га кўра уч гуруҳга бўлинган:

1. Айирув белгилари;
2. Турлов белгилари;
3. Ясов белгилари.

Мазкур тасниф аффиксларнинг ҳозирги ўзбек тилидаги йирик уч гуруҳига - сўз ўзгартувчи, форма

ясовчи ва сўз ясовчи каби турларга ажратилишини эслатади. Ҳақиқатан ҳам, уларнинг келтирган фактларига қараб, (улардаги камчиликни ҳисобга олганда) шундай хулосага келиш мумкин.

«Айирув белгилари» семантик жиҳатдан 8 турга: *чин эргаши, бўлишсизлик, ўхшатиш, эгалик, сўроқ, кўплик, кичиклик, олмош* каби белгиларга ажратилган. Буни, албатта, ўзига хос тасниф деб юритиш ҳам мумкин. Бу таснифда «чин эргаши белгилари» ва «бўлишсизлик белгилари»дан бошқа барча аффикслар номланишига кўра асосан мос келади, лекин мазкур аффикслар («чин эргаши белгилари» ва «бўлишсизлик белгилари») махсус изоҳни талаб қилади. «Бўлишсизлик белгилари»га келтирилган аффикслар инкор маъносига эга бўлган форма ясовчи, сўз ясовчи аффиксларга (-ма, -май, -мас, -на, -бе, -сиз) тўғри келади. Бу жиҳатдан уларнинг умумий номга эга бўлиши тўғри, лекин «чин эргаши белгилари» деб аталган аффиксларга келиш (-да, -дан, -га/-қа/-қа/-га, (тарихий ва диалектал -а/ -на) ва -ни, -нинг) аффикслари, -гача/-кача/-қача равиш ясовчилари ҳамда сабабли ясама сўзи келтирилади. Албатта, бунда гапда сўзларнинг синтактик алоқасини таъминловчи аффикс ва кўмакчиларнинг умумий грамматик табиати ҳисобга олинганлиги аниқ. Сабабли сўзи кейинги даврларда грамматикализацияга учрамоқда ва кўмакчиға силжимокда, шу жиҳатдан ҳам *чин эргаши белгилари*, деб аташга маълум даражада асос бўлган. Айни замонда бу масалада муаллифларнинг ўз даври нуктаи назаридан тўғри фикр юритганлигини таъкидлаш жоиздир. Улардаги назарий камчилик шундаки, юқорида таъкидлаганимиздек, улар сўз туркумлари ва сўз таркиби тўғрисидаги назарий маълумотлар билан тўлиқ қуролланмаганлигидир. Айниқса, бу даврда проф. Е.Д.Поливановнинг ўзбек тили грамматикаси назариясига оид асарларидан фойдаланиш имконияти бор эди.

Шундай қилиб, *айирув белгилари* деб аталган аффикслар, асосан, сўз ўзгартувчиларга мос келади. Бироқ улар сўз ўзгартувчи ва форма ясовчиларни аслида

фарқ қилишга ҳаракат қилишган бўлса-да, уларда айрим ўринларда айирув белгилари қаторида сўз ясовчи ва форма ясовчи аффикслар ҳам келтирилади. Ҳатто кўмакчи, боғловчи ва юклама туркумларига хос сўзлар ҳам киритилган. «Айирув белгилари»га асосан келишник (аффиксларини тил олди ва тил орқа вариантлари билан бирга), эгалик ва шахс-сон аффикслари келтирилиб, эгалик ва шахс-сон аффикслари «олмош белгилари» деб юритилган.

Бу ўринда сўз ўзгартувчиларнинг «Айирув белгилари» деб номланиши масаласини шарҳлаймиз. Буни таъриф ва аффиксларнинг табиатидан кидириш лозим. Айирув белгилари «Ўзбекча тил сабоқлиғи»да қуйидагича изоҳланган: «Гап бўлақларини ҳам сўзларни бир-биридан айирмоқ (фарқ қилмоқ) учун келтирилган қўшимчалар «Айирув белгилари» аталадир...» (61-бет).

Бу таърифдаги «гап бўлақларини ҳам сўзларни бир-биридан айирмоқ» иборасини айнан тушунмасликни қайд қилган бўлар эдик, балки тилга олинган аффикслар ва сўзларнинг гап бўлақларини шакллантиришдаги ўрни, гапда сўзларнинг ўзаро синтактик алоқасини таъминлаш имконияти тушунилиши керак, шунингдек, айрим аффиксларнинг категориял мосланганлигига ишора қиланаётганлигини ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим. Қолаверса, айти ҳолатни муаллифларнинг ўз қарашлари деб ҳам тушуниш мақсадга мувофиқдир.

«Турлов белгилари» деб аталган аффикслар асосан ҳозирги форма ясовчи аффиксларга мувофиқ келади. Унинг ўзи яна уч гуруҳга бўлиб кўрсатилган. Булар:

Феъл турлов белгилари. «Феъл турлов белгилари»га *-ди*, (*аниқ* феъл белгиси, деб аталган). Маълумки, мазкур аффикс ҳозирги ўзбек адабий тилида баъзи стилистик талаблар билан боғлиқ ҳолда келаси замон ва бошқа маъноларда ҳам ишлатилади [1]. *-миш* (*тўсмон* феъл деб аталган), *-бдир* (*ёзилган ва ҳикоя* феъл деб кўрсатилган), *-ган/-қан/-қан/-ган* *-ёт*, *-яп*, *-ётиб* (ҳозирги феъл дейилган), *-ар/-р* (бўлар феъл), *-адир*, *-а*, *-й*, *-макда* (давом феъл), *-са* (шарт феъл), *-гай/-қай/-гай* (ўтинч феъл), *-макчи/-моқчи* (тилак феъл), *-гу/-қу/-қу/-гу* (келгуси феъл), *-гач/-қач/-қач/-гач*, *-гунча/-қунча/-қунча/-гунча* (пайт феъл), *-гали/-қали/-қали/-гали* (сабаб феъл), *-а/-й/-б* (ҳол феъл) аффикслари келтирилган. Бундай тасниф ҳозирги семантик принципларга мос келади, лекин унга тўла риоя қилинмаган, яъни аффиксларнинг семантик ва функционал хусусиятлари аралаштирилиб юборилган, қолаверса, *-а/-й* равишдош аффикслари икки ўринда берилдики, айти ҳолат уларнинг аффиксининг вазифасини тўла ажрата олмаганлигини ҳам кўрсатади.

«Сон турлов белгилари»га тўлалигича соннинг семантик турларини белгилашда иштирок этадиган: *-лаб*, *-тача*, *-тадан*, *-ларча*, *-авлаб*, *-ов/-ав*, *-ала*, *-нчи* аффикслари келтирилган. Улар ҳозир ҳам соннинг маъно турларини ҳосил қилувчи аффикслар, деб келинмоқда. Лекин *-авлаб/-овлаб* аффиксининг қўлла-

ниши тўғрисидаги маълумотларга ишониб бўлмайди. Чунки жамловчи ва чама сон ҳосил қилувчи аффиксларнинг бирга қўлланиши тўғрисида маълумотга эга эмасмиз. *Икковлашиб* сўзида равишга ўтган ҳоллари бундан мустаснодир.

«Суфат турлов белгилари»га сифат даражалари, озайтирма ва кучайтирма сифатларни ҳосил қилувчи аффикслар келтирилган. Бу жиҳатдан «суфат турлов белгилари» тўлалигича форма ясовчи аффиксларга мос келади. Лекин келтирилган аффикслар қаторида *-к* аффикси ҳам мавжудки, унинг қандай аффикс эканлигини билиб бўлмайди, чунки *-к* аффикси иштирок этган сўзга мисол келтирилмаган.

Аёнким, от туркумидаги форма ясовчи аффикслар «турлов белгилари» қаторида кўрилмаган. Шунинг айтиш керакки, «турлов белгилари» термини ва унинг таърифи форма яшаш эмас, балки кўпроқ сўз ўзгартувчиларга нисбатан қўлланиши маъқулроқ эди, чунки у: «Ўз бошли сўзларнинг охирига қўшилиб, шу сўзларнинг турланишига хизмат қилатурган қўшимчалар «турлов белгилари» аталадир», деб изоҳланган. Бирок келтирилган аффиксларгина фикрнинг форма ясовчи ҳақида бораётганлигини билдиради. Демак, таъриф ва термин ифодаланмоқчи бўлган ҳодисани белгилай олмайди, чунки турлаш тушунчаси аниқ бир тушунчани конкрет ва чегаралаб кўрсатолмайди. Ваҳоланки, бу термин ҳозирги тилшунослигимизда сўзларнинг келишиқ қўшимчаларини олишини билдиради.

«Ясов белгилари» дейилганда, сўз ясовчи аффикслар тушунилан.

Муаллифлар сўз яшаш тушунчасини тўғри англаб етганлар, яъни «бир турли сўздан иккинчи турли сўз ясамоқ» («Ўзбекча тил сабоқлиғи», 65-бет) тўғрисида фикр юритиб, уларни уч гуруҳга ажратишади: *феъллов белгилари*, *исмлов белгилари*, *супатлов белгилари*. Албатта, *феъллов*, *исмлов*, *супатлов* тарзида ишлатилиши муаллифларнинг ижодий ёндашуви, лекин бу нарса кейинчалик шу тарзда тилшунослиқда ўзлашиб кетмади. Улар келтирган ясовчи қўшимчалар ясама сўзлар изоҳида берилади.

Айтиш лозимки, «Ўзбекча тил сабоқлиғи» муаллифларининг аффиксларни вазифасига кўра уч турга ажратишини, ундаги принципиал хатолардан қатъий назар, ўша давр тилшунослигининг катта ютуқларидан деб баҳолаш маъқулдир.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилшунослигида аффиксларни вазифасига кўра дастлаб, сўз ясовчи ва сўз ўзгартувчи гуруҳларига бўлиб ўрганиш анъанаси бўлган [2]. 50-йиллардан бошлаб, сўз ясовчи, форма ясовчи ва сўз ўзгартувчи тарзида тасниф қилиниб келинмоқда. 20-йилларда яратилган асарларда аффикслар таснифи мазкур таснифга яқин эканлигини юқорида таъкидлаб ўтган эдик.

Айти замонда таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, 20-йилларда яратилган асарларда ўзбек тили грамматик қурилишининг асосий хусусиятлари акс этган эди.

Адабиётлар

1. Ғуломов А.Ғ. Феъл. –Т.: Ўзфанакадашр, 1954. 24-б.
2. Қосимхўжаев О. Сўзнинг морфологик таркиби. –Т.: «Ўрта ва олий мактаб», 1963. 66-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ўзбек тили илмий услубининг бир соҳаси бўлган ўзбек тилшунослигининг шаклланиши жараёнлари таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются некоторые вопросы становления узбекского языкознания, как отдельной отрасли научного стиля узбекского литературного языка.

SUMMARY

In the article the author deals with the issues of studying the periodization of Uzbek Linguistics as a separate branch of the scientific style of the Uzbek literary language.